

Бақара сураси, 53-оят

09:10 / 01.09.2017 4652

Шоядки, ҳидоят топсангиз, деб Мусога Китобни ва Фурқонни берганимизни эсланг! Бақара 53.

Бу ҳам Бану Исроилга берилган улуғ неъматлардандир. Уларга пайғамбар этиб юборилган Мусо алайҳиссаломга китобнинг (яъни Тавротнинг) ҳамда фурқоннинг (яхши билан ёмон, ҳақ билан ботилни ажратувчи шариатнинг) берилиши ҳақиқатдан ҳам улкан неъматдир. Буларни беришдан кўзланган нарса – шоядки, Бану Исроил ҳидоят топса, тўғри йўлга юрса, деган мақсаддир.

Лекин буларнинг табиати аслида бузуқ эди, тўғри йўлга юрмадилар. Энди қаттиқроқ чора кўрилмаса, булар тузалмайдигандай эди.